XALQ DEPUTATLARI QARSHI SHAHAR KENGASHI
Q A R O R I

2014 yil 28 апрель 157/35-4 sonli Qarshi shahri

Қарши шахри ҳудудидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларга янги номлар бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й; 41-сон, 448-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й; 41-42 сон, 483-модда)ижросини таъминлаш мақсадида Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2014 йил 28 мартдаги ВК-03-сонли хулосасини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг 2013 йил 20 декабрдаги шаҳардаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларга янги ном бериш ва ўзгартириш бўйича йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Вилоят комиссиясининг 2014 йил 28 мартдаги ВК-03-сонли хулосасига асосан таклиф этилган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчалар номлари ўзгартирилиб, ушбу маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларга берилган янги номлар бўйича таклифлар иловага асосан тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокими ўринбосари, топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг ўринбосари (Ш.Холмуродов)га:

бир ҳафта муддатда шаҳар ҳудудидаги номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг номини замонавий кўринишда (лотин ёзувида) пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига:

шаҳардаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг номлари ўзгартирилганлиги муносабати билан аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказиш тавсия этилсин.

5. Шаҳар Ички ишлар бўлими (С.Турдиев)га:

шаҳардаги фуқароларнинг хорижга чиқиш, кириш жараёнида фуқароларни расмийлаштиришда айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг номлари ўзгарганлигига алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи паспортларга маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг янги номлари ёзилишини доимий назоратга олиш топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

7. Ҳалқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг 2013 йил 23 декабрдаги 146/32-4 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор "Nasaf" газетасида эълон қилинсин.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг раиси **А.Ачилов**